



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ

Самида Мустапова

*Замонавий хитой тилида  
тилшунослик  
атамаларининг лексик –  
структурал таҳлили*

мавзусидаги диссертацияси

ПРЕЗЕНТАЦИЯСИ

## Мавзунинг илмий ва амалий аҳамияти


- Тилшунослик атамаларини ўрганишнинг илмий аҳамияти шундаки, тилда терминологик лексика тил умумий лексикасининг бир қисмини ташкил қилади. Ва бу терминологик лексика ўз навбатида кўплаб соҳаларга оид атамаларни қамраб олади. Тилшунослик атамалари ҳам маълум бир соҳага оид атамалар сарасига киради. Тилшунослик атамалари фаннинг тор доирасига тегишли тил бирликлари саналса-да, уларнинг ясалиши, ёки бошқа тилдан ўзлаштирилиши, қўлланилиши буларнинг барча тилнинг ички қонуниятлари асосида боради. Худди шундай хитой тилида ҳам терминологик лексика тилнинг умумий лексикасидан четда қолмайди. Балки улар ҳам тилнинг қолган соҳалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

## Тилшунослик атамалари ўрганилишининг амалий аҳамияти

- Шу билан бир қаторда тилшунослик атамаларини билиш ҳар бир тилни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга, айниқса олий ўқув даргоҳларида магистратура босқичлари лингвистика мутахассислигида ўқиётган талабар учун махсус мутахассислик юзасидан олиб бориладиган дарслар давомида кўриб чиқилиши лозим бўлган кўплаб ўрганилаётган тилда ёзилган манбалар мавжуд, уларни тушушниш учун, шунингдек, олий ўқув юртларининг филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва уларга тил ўргатаётган педагог кадрлар учун ўта муҳим саналади.

## Магистрлик ишидан кўзланган асосий мақсад

- ҳозирги замон хитой тили тилшунослик соҳаси терминологик тизимини махсус мустақил терминологик тизим сифатида ўрганиш ва лингвистик нуқтаи назаридан таҳлил этишдир. Айнан шу асосий мақсад эса ўз ичига ҳозирги замон хитой тили тилшунослик атамаларининг тузилиши жиҳатидан ўрганиш, уларнинг ясалиш усуллари ва лексик хусусиятларига кўра таҳлил қилиш каби мақсадларни қамраб олган.





Мавзу юзасидан тўпланган материаларга асосланган ҳолда магистрлик иши юзасидан қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:


- Ҳозирги замон хитой тили лингвистик атамаларининг лексик таҳлилини амалга ошириш;
- Хитой тили тилшунослик атамаларининг келиб чиқишини ўрганиб чиқиш;
- Замонавий хитой тили тилшунослик атамаларининг қўлланилиш доирасига кўра қамровини аниқлаш;
- Замонавий хитой тили тилшунослик атамаларининг ички ва ташқи манбалар асосида ҳосил қилиниши юзасидан таҳлил ўтказиш;


## Магистрлик ишининг тузилиши:


- Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

- 
- Кириш қисмида атама ва атамашунослик, атамаларни ўрганишнинг моҳияти, атамаларни ўрганишга бўлган ёндашув турлари, шу билан бирга магистрлик ишини ёритиш жараёнида қўлланилган адабиётлар талқини, ишнинг асосий мақсад ва вазифалари, унинг илмий ва амалий аҳамияти магистрлик ишининг умумий ҳолда қисқача тавсифини ўз ичига олган.

- 
- Биринчи боб – “Замонавий хитой тили тилшунослик атамаларининг лексик таҳлили”да хитой тилидаги тилшунослик атамалари маъно турлари, этимологик жиҳатдан ва қўлланилиш доираси қамровини аниқлаш борасидаги таҳлиллари амалга оширилган.

- 
- Иккинчи боб – “Замонавий хитой тили тилшунослик атамаларининг структур таҳлили ва уларнинг ясалиш усуллари”га бағишланган бўлиб, ундан лингвистик атамаларнинг тузилиш жиҳатдан таҳлили ва ясалиш усуллари таҳлил қилинган.

- 
- Хулосада тадқиқ этилган материаллар таҳлилидан келиб чиқадиган асосий натижалар, фикрлар баёни берилган.

- 
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида эса адабиётлар ёзилган тилига қараб тизимлаштирилган бўлиб, аввало ўзбек ва рус тилларидаги манбалар, сўнг хитой тилидаги адабиётлар ёзилган тили алифбоси тартибида келтирилган. Хитой тилидаги адабиётлар рўйхати эса уларнинг ўқилиши (pinyin) системанинг алифбосига кўра тизимлаштирилган. Луғатлар ҳам айнан шу меъёрга кўра тизимга солинган бўлиб, олдин бир тилли луғатлар (улар ёзилган тил бўйича), сўнг икки ва кўп тилли луғатлар ва рўйхат сўнгидан интернет манбалари келтирилган.

- Илова қисмида эса қисқартма ва изоҳлар (изоҳлар Ошанин И.М. муҳаррирлигида тузилган “Большой китайско русский словарь” луғати асосида ёзилган), шу билан бирга 语言名词解释 хитой тили тилшунослик атамалари изоҳли луғатидан ўрин олган атамалар ва уларнинг ўзбек тилига таржимасидан иборат бўлган глоссарийни қўшимча қилдик. Мазкур глоссарийда атамалар алфавит тартибида эмас, балки хитой тили лексикографиясида луғатлар тузишда кенг қўлланиладиган усуллардан бири, имло чизиқлар сонига асосланган ҳолда туздик. Бу усулга кўра ўқувчи иероглифнинг ўқилишини билмаса-да, у сўздаги дастлабки иероглифдаги имло чизиқларини аниқлаган ҳолда ўзига керакли сўзни осон топа олиши мумкин бўлади.

## Ишнинг янгилиги:

- Замоनावий хитой тили тилшунослик атамалари ўзбек хитойшунослигида биринчи марта семантик таҳлили амалга оширилди;
- Тилшунослик терминларининг этимолгик жиҳатдан ўрганилиши ҳам биринчи мартаба амалга оширилди;
- Фразеологик бирликлар таркибида тилшунослик атамаларининг қўлланилиши масаласи ўрганилиши бошланди;
- Ишга илова тарзида 300дан ортиқ тилшунослик атамалари ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда қўшимча қилинди;

**Вэняндан ҳозиргача сақланиб келаётган атамаларни тилшунослик соҳалари бўйича ажратиб қуйидаги жадвалда улар миқдорини сонлар ва фоиз ҳисобида келтирдик:**

Умумий тилшуносликка тегишли сўзлар	Фонетика	Грамматика (морфология ва синтаксис)	Лексикология
11та – 21.2%	27та – 51.9%	4та – 7.7%	10та – 19.2%

**Замонавий хитой тилида тилшунослик атамаларининг тузилиш жиҳатдан миқдорий таҳлил юзасидан қилган хулосаларимиз жадвал кўринишида:**

“Yuyan ming ci jieshi” тилшунослик атамалари изоҳли луғатида тилшунослик атамаларининг умумий сони 545 та=100%

Кўшма тилшунослик атамалари		Содда тилшунослик атамалари	
Икки бўғинли кўшма атамалар	Кўп бўғинли кўшма атамалар	Ясама атамалар	Туб атамалар
127 та= 23,3%	394та = 72,3%	20 та= 3,7%	4 та= 0,7%